

Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz

orif@infonet.uz

habar@aci.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan

2004-yil, 23-yanvar, 4 (593)-son

Sotuvda narxi erkin

ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

● **Ҳамкорликни ривожлантириш йўлида** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 19-20 январ кунлари расмий ташир билан Кувайт давлатида бўлди.

● Матбуотда "Экинларнинг пайхон қилиниши ва нобуд бўлишига қарши курашни янада кучайтириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди.

● Тошкентда тиббиёт ходимларининг "Умумврачлик амалиётининг бугунги аҳволи ва ривожланиш истикболлари" мавзусидаги илмий-амалий анжумани ўтказилди.

● Тошкентда "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармасининг илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган Андижон давлат университети профессори, таниқли олим Рустамбек Шамсуддиновнинг "Қишлоқ фожiasi: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун" китобининг тақдироти бўлиб ўтди.

● "Тошкент трактор заводи" давлат акциядорлик жамияти негиздаги қўшма корхоналар сони яна иккитага кўпайди. Яъни "ТТЗ-Металл" ва "Технопластик" янги қўшма корхоналарида тракторлар учун резина ва пластикдан эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

● Нукус аэропортида қорақалпоғистонлик бир гуруҳ фуқароларни Хаж сафарига кузатиш маросими бўлди.

● Германиянинг Фридрих Эберт жамғармасининг Тошкентдаги ваколатхонасида "Ахборот олиш: давлат ва фуқаролик жамияти" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда хорижий мутахассислар, республикамиздаги қатор вазирликлар ва муассасалар матбуот хизматлари ходимлари, ҳуқуқшунослар, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

МАЖМУАНИНГ ЙИЛЛИК ЙИФИЛИШИ



Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари мажмуасининг мажлисида 2003 йилда АКТ соҳасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2004 йилдаги вазифалар муҳокама этилди. Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.АРИПОВ бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари комплекси котибиятининг мудир Ф.Зияев ўтган йили АКТ соҳаси корхоналарида иқтисодий ислохотлар-

ни амалга оширишни чуқурлаштириш, уларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, рақобат муҳитини яратиш, телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ҳамда реконструкция қилиш, истеъмолчиларга тақдим этилаётган хизматлар ҳажмини барқарорлаштириш ва уларнинг турларини кенгайтиришга доир ишлар давом эттирилгани тўғрисида маъруза қилди.

Маърузада таъкидланишича, яқунланган йилда АКТ соҳаси корхоналарида хизматлар кўрсатиш ҳажми 123,5 фоизга ўсиб 2003 йилги инвестиция дастури 101,7 фоизга бажарилди. Йиллик экспорт хизмати эса 177,7 фоизни ташкил этди. Уяли алоқа ҳам жадал

Маълумки, ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини жорий қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, халқаро ахборот ҳамжамиятига кириш учун қулай шароит яратиш ва жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасидаги асосий вазифалардан ҳисобланади.

сурьатда ривожланди. Алоқанинг бу тури абонентлари сони 323,35 мингта-ни ёки йил охирига келиб 173 фоизни ташкил этди.

Юзага келган рақобат муҳити Интернет хизматлари оператор ва провайдерлари сонини 263тага (194,8 фоиз) етказиш имконини берди. Интернетга уланган давлат муассасалари 468тага (163,6 фоиз), хўжалик юритувчи субъектлар 8621 (168,9 фоиз), жамоавий фойдаланиш шахобчалари эса 228тагача (215,1 фоиз) кўпайди. Натижада, Интернетдан фойдаланувчилар сони йил бошига қараганда 492 мингдан ошди ёки қарийб икки баробарга кўпайди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ".uz" ҳудудида рўйхатга олинган веб-сайтлар 4,4 мартага ошди. Айрим ҳудудларда, жумладан, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида ҳам Интернетдан фойдаланувчилар сони кўпайиб бораётганини қайд этиш мумкин.

(Давоми 2-бетда.)

JBIC ЛОЙИХАСИ АМАЛДА

НАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

ҚАРШИ ШАҲРИДА ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ ВА БУХОРО ШАҲРИДА TV УЗАТГИЧЛАРИ ЎРНАТИЛДИ.

Ўзбекистон Республикаси билан Япония Халқаро ҳамкорлик банки томонидан тузилган UZB-P кредит келишувига асосан Япония мамлакатимиз телекоммуникациялар тармогини ривожлантириш учун 12692 млн. япон иени миқдорида сармоя ажратган ҳамда "Мицуи" & Ко. ЛТД компанияси билан шартномалар тузилган эди. Айни дамда жойларда улар доирасида ишлар қизғин оlib борилмоқда.

Ҳозирги кунда "Мицуи" компанияси пудратчилари – "НЭК" ва "Хуавей" компаниялари томонидан тўртта вилоят учун телефон станциялари олиб келинмоқда. Қарши шаҳрида эса "Хуавей" компанияси супервизорлари ҳамда "Ўзбектелеком" АК мутахассислари иштирокида халқаро телефон станцияси-

нинг монтаж ва тест ишлари яқунланди.

Шунингдек, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази томонидан бешта вилоятда телевидение ҳамда радио узаттичларни ўрнатиш учун хоналар ва миноралар таъмирлаб бўлинди. Айни дамда "НЭК" компанияси томонидан келтирилган TV узаттичларни

ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Радио узаттичларни олиб келиш ва ўрнатишни Американинг "Харрис" компанияси ўз зиммасига олган. Яқинда "НЭК" компанияси супервизори ва РРТМ мутахассислари Бухоро шаҳрида TV узаттичларни монтаж ва тест ишларини ниҳоясига етказдилар.

Жорий йилнинг 21-22 январида JBIC лойиҳаси бўйича амалга оширилган юқоридаги дастлабки ишлар – Қарши шаҳрида халқаро телефон станцияси ва Бухоро шаҳрида TV узаттичларининг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош директори А.Арипов, Агентлик бош директори ўринбосари, JBIC лойиҳаси директори А.Избосаров, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси бош директори Х. Муҳитдинов, РРТМ бош директори Х.Соатов, шунингдек, "Детекон" компанияси маслаҳатчиси Х.Финтелман, "Мицуи" компанияси менежери ўринбосари Т.Хосегае ҳамда "НЭК" ва "Хуавей" компанияларининг Тошкентдаги ваколатхоналари бошликлари А.Кавабата ва Донг Ганг, компанияларнинг бошқа вакиллари ва маҳаллий ҳокимият раҳбарлари иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз

МАЖМУАНИНГ ЙИЛЛИК ЙИФИЛИШИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Олий ўқув юртлири, академик лицейлар, коллежлар ва мактабларни компютер техникаси билан жиҳозлаш бўйича ҳам режали ишлар амалга оширилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида АКТни ривожлантириш масалалари мунтазам ёритилмоқда, кўргазмалар ташкил этилиб, семинарлар ўтказилмоқда. Шу билан бирга, қарийб барча вазирлик ва идоралар, жойлардаги давлат ҳокимлик органлари ўз веб-сайтлари га эга бўлиб, уларнинг сони ортиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг ягона портали ишлаб чиқилди ва синов тарихида "gov.uz" манзили бўйича жойлаштирилди.

Мажлисда, шунингдек, амалга оширилган баъзи ишларга танқидий баҳо берилиб, мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳар томонлама муҳокама этилди. Масалан, айрим корхоналарда дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ортини кузатишмоқда, жўнатилаётган телеграммалар сони ҳам камиймоқда. "Ўзбектелеком" АК тизимида зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони камайган, бироқ "Ўзбекистон почтаси" ДАК бўлинмаларида бундай корхоналар кўпайиб борапти.

Тармоқ корхоналари раҳбарларига молиявий аҳволни яхшилаш, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилган мақсадли ишларни бажариш, тизимни такомиллаштириш учун тўғридан-

тўғри хорижий сармояларни жалб қилишга оид чораларни кўриш топширилди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Ш.Аюпов "Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2002 йил, 6 июндаги 200-сонли қарори билан юклатилган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисида" маълумот берди. Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари М.Маҳмудов "Соҳада олиб борилган маъмурий ислохотлар ва иқтисодийнинг бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарорларини бажарилиши ҳақида" сўз юритган бўлса, Агентлик Бош директорининг ўринбосари А.Избосаров "Инвестиция дастурларининг бажарилиши, алоқа корхоналарини хусусийлаштириш жараёни ва АКТ воситаларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш хусусида" фикр билдирди. Шунингдек, Агентлик Бош директорининг ўринбосари А.Хўжаевнинг "АКТни ривожлантириш бўйича ҳукумат қарорларини ва "Узинфоком" марказига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши, дастурий маҳсулотлар ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳақида"ги маълумоти тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

И.АХМЕДОВ

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Мамлакатимизнинг таракқий этиши ва жаҳон миқёсига чиқишида малакали кадрларнинг тутган ўрни бекиёс, албатта. Республикаимиз ҳукумати томонидан меҳнатда алоҳида намуна кўрсатган, ўз соҳаси раънақиға ҳисса қўшиб келаётган инсонлар давмий раъишда муносиб тақдирланиб келинмоқда. Зеро, эзгу саъй-ҳаракатлар ҳеч қачон бе-самар кетмайди.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносибати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға кўра мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудоға ва Фауқулдада вазиятлар вазирликлари ҳодимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак муҳофотлари билан тақдирланишди. Улар сафида "Меҳнат шўҳрати" ордени билан мукофотланган Давлат фелдъегерлик хизмати бошлиғи ўринбосари, ички хизмат подполковниги Маҳмуджон Имомқориев ҳам бор.

Маҳмуджон Имомқориевнинг алоқа соҳасида фаолият бошлаганиға яқинда 20 йил тўлади. У 1984 йили ҳарбий хизматдан қайтган Давлат фелдъегерлик хизматининг фелдлаоқа офицери вазифасида иш бошлади. Хали ёш бўлишиға қарамадан у изланувчанлиғи ва тиришқоқлиғи билан алоҳида ажралиб турарди. Берилган топшириқларни вақтида ва сифатли бажаришға ҳаракат қилиб, ўз устида тинимсиз изланди. Бу борада ҳаммаслари унинг энг

яқин маслақдошлари бўлишди. Утган йиллар давомида муҳим топшириқлар бўйича фелдлаоқа



катта офицери, катта инспектор, бўлим бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи вазифаларини бажариб келган бу инсон 2001 йилдан бошлаб Давлат фелдъегерлик хизмати бошлиғи ўринбосари вазифасида фаолият юритмоқда.

Мустақиллик йилларида фелдъегерлик соҳасида ҳам

катта ўзгаришлар рўй берди, жумладан, моддий-техник базаси янгиланди, ушбу хизматга давлат томонидан берилган эътибор кўнаиди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, бу ердаги барча маънавий-маърифий тадбирлар бевосита М.Имомқориев бошчилигида ўтказиб келинмоқда.

— Четдан қараган кишиға соҳамиз ҳодимининг меҳнат фаолияти бошқаларниқидан фарқ қилмайдигандай кўринади, — дейди нишондоримизнинг ҳамкасби, ички хизмат капитани Фурақат Адинаев.

— Аммо бу соҳанинғ ҳам нақадар мураккаб ва масъулиятли эканлиғи, кишидан катта билим, маҳорат, тажриба ҳамда кўникма талаб этишини ҳамма ҳам илғаб олавермайди. Юқоридаги хислатларнинг барчаси Маҳмуджон акада муҳассамдир. У киши нафақат ишда, балки ҳаётда ҳам ўта интизомли, маъсулиятли ва шу билан бирга бошқалардан самимий ёрдамиға аямайдиган инсондир. Унинг меҳнатлари муносиб баҳолангани барчамаизни беҳад қувонтирди.

Қаҳрамонимиз намунали оила бошлиғидир. Турмуш ўртоғи Дилдора опа — шифокор. Улар бир ўғил ва бир қизи тарбиялаб, вояға етказишмоқда.

Биз ҳам Маҳмуджон аканинг келгусидаги ишларида муваффақиятлар тилаган ҳолда унга оилавий бахт, мустаҳкам соғлиқ тилаб қоламиз.

С.АХАДОВ

КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бозорида хизмат кўрсатётган хўжалик юритувчи субъектларнинг консалтинг хизматлариға бўлган талабларини қондириш, уларға малакали консалтинг ва экспертиза хизматларини кўрсатиш ҳамда инжиниринг ишларини бажариш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиғи, Давлат алоқа инспекцияси, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази, Электромагнит мослашув маркази, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази, "Алоқабанк" акциядорлик-тижорат банки, "Ўзбектелеком" АК ва бошқа корхоналар таъсисчилиғида "O'zAloqaKonsalting" yopiq aksiyadorlik jamiyati tashkil etildi.

Жамиятга 2003 йилнинг 16 октябрда 000019-10 реестрдаги тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилганлиғи тўғрисида 000019-сонли гувоҳнома берилди. Жамиятнинг фаолият юритиши учун устав жамғармаси жамланди, "O'zAloqaKonsalting" малакали мутахас-

силар билан таъминланди ва буюртмаларни бажаришға киришди.

"O'zAloqaKonsalting", асосан, қуйидаги йўналишларда иш олиб боради:

— Соҳа фаолиятиға алоқадор бўлган барча масалалар бўйича маслаҳат бериш, жумладан, корхоналарни ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказиш, лицензиялар олиш, алоқа ва ахборотлаштириш тармоқлари ва хизматларини ривожлантириш ҳамда хўжатлар (техник-иқтисодий асослар, бизнес-режалар, битимлар (контрактлар) таъсис шартномалари, низомилар ва ҳоказолар) лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тендерлар ўтказишни ташкил қилиш, шунингдек, алоқа соҳасидаги халқаро ва хўжатлараро битимлар, шартнома ва лойиҳалар, қўшма корхоналар ва акциядорлик жамиятларининг таъсис, тендер ва танлов хўжатлари, тартибга солинадиган тарифларға ўзгаришлар киритиш, алоқа ва ахборотлаштириш тармоқларини қайта қуриш, модернизация (замонавийлаштириш) қилиш ва ривожлантириш, техник-иқтисодий асослар (ТИА), бизнес-режалар, тузилладиган шартномалар бўйича нарх ва тарифлар, асбоб-ускуналар етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш битими, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги норматив хўжатлар лойиҳаларини экспертиза қилиш;

— почта алоқаси, телекоммуникация-

лар, ахборотлаштириш тармоқлари ва хизматларини ривожлантириш лойиҳалари ва хўжатлар (ТИА, бизнес-режалар, асбоб-ускуналар етказиб бериш, хизматлар контрактлари, битимлар ва ҳоказолар) ҳамда тендер ва танлов хўжатларини ишлаб чиқиш ва тендерлар ўтказиш (асбоб-ускуналар етказиб бериш, иш хизматларини танлаш, почта алоқаси, телекоммуникациялар ва ахборотлаштириш тармоқларини ташкил этиш, қайта қуриш, модернизация (замонавийлаштириш) ва ривожлантириш лойиҳалари бўйича), халқаро ва хўжатлараро битимлар, шартнома ҳамда контрактлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият туриға лицензиялар олиш ва ҳоказолар бўйича инжиниринг ишларини бажариш;

— маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, амалдаги норматив хўжатлар мониторингини олиб бориш, уларни қайта ишлаб чиқиш, компания ва корхоналар фаолият юритишлари учун ички меъёрий хўжатлар ишлаб чиқиш, соҳада хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий хўжатлар базасини яратиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва лойиҳалари, кўргазмалар, конференциялар, семинарлар ўтказиш, халқаро ва хўжатлараро форумлар тақдирини ташкил этиш, корпоратив бошқа-

рув бўйича хўжатлар ишлаб чиқиш.

Корхона кўп қиррали фаолиятини ўзининг ҳамда Агентлик, компаниялар, акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналар ва субъектларнинг малакали, билимли ва алоқа соҳасида катта тажрибаға эга бўлган мутахасис ҳамда раҳбар ҳодимларини жалб этган ҳолда амалга оширади.

Хўрматли алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар раҳбар-мутахасислари!

"O'zAloqaKonsalting" yopiq aksiyadorlik jamiyati sizlarga ikki tomonlama foydali bulgan konsalting xizmatlarini kursatishi, ekspertiza va injiniring ishlarini bajarishi buyicha uzining xizmatlarini takdim etadi. Biz bajaradigan xizmatlar faoliyatningizda uzining ijobiy natijalari bilan Sizlarni xursand qiladi, degan umiddamiz.

Марҳамат, "O'zAloqaKonsalting"га мурожаат қилинг ва буюртма беринг. Биз Сизнинг хизматингиздамыз.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 700000, А.Толстой кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиғи биноси, 310-хона.

Телефонлар: 138-41-95, 138-41-96, 138-42-20.

Электрон почта манзили: biktmetov@gis.uz.

MA'NAVIYAT SOATI

МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

Гоя инсон тафаккури маҳсули экан, албатта, талаба-ёшларга бунёдкор ва вайронкор гоялар мазмунини тушунтириб бориш ҳар бир таълим даргоҳи ўқитувчининг вазифасидир.

Маълумки, инсоният яралгандан буён бунёдкор ва вайронкор гоялар таъсирида яшаб келмоқда. Бунёдкор гояларга халқпарварлик, тинчлик, озодлик, ҳурфикрлик, дўстлик, биродарлик, тенглик, бағрикенглик каби гоялар, вайронкор гояларга эса ақддапарастлик, диний фанатизм, терроризм, босқинчилик, фашизм, шовинизм, жаҳлатпарастлик, ва шу кабилар кирди. Шунинг учун таълим-тарбия ишларида бу икки гояни синъиклаб ўргатиш ва ўрганишига алоҳида эътибор жалб этишимиз керак.

Талабаларга "Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанининг ўқитилиши қатор муҳим ўқув-тарбиявий масалаларни ҳал этишни тақозо этади. Гоявий тарбиялаш бу – ёшлар онгда мустақиллик гоёсига асосланган янги дунёқарашни шакллантириш ҳамда юқори инсоний сифатларни ривожлантириш, жамоа аъзоларининг ижтимоий фаоллигини ошириш каби мақсадга мувофиқ йўналтирилган жараёндир. **Тарбиялаш масалаларида ҳеч қачон хотиржамликка йўл қўйиш мумкин эмас. Чунки тарбия самарадорлигини ошириш йўлида ҳамма вақт фойдаланилмаган томонлар мавжуд бўлиб келган.**

Ёшлар ижтимоий нуктаи назардан қўрилган ва қўнсузлик сингари ўзига хос хусусиятларга эгадир. Талабаларга бир томондан ангилгани ўча қўли даҳражада сезиш ва қабул қилиш, ўз фикрини тасдиқлаш, гояларга муҳтожлик ва гоя кетидан қувиш, фаоллик, қизиқувчанлик, қизиқонлик, иккинчи томондан эса тез ишониш, чидабмаслик, мулоҳаза ва баҳоллашда қатъийлик ва бошқалар ҳосил. Шу боис талаба-ёшларни тарбиялашда кўрсатиб ўтилган ҳислатларни аниқ ҳисобга олишга тўғри келади.

Гоявий тарбиялаш усуллари мустақиллик ва миллийлик омилларини чуқур тушуниб етишни таъминлаб бера оладиган тарбиявий таъсир усуллари мажмуаси кирди. Шундай усуллардан бири ишонтириш ва айтилган фикр-мулоҳазани исботлай олишдир. Ана шундагина мураббийнинг сўзи ерда қолмайди, ўзи ўқувчи олдида лол бўлмайди.

Айни дамда барча ўқув юртиларида талабалар давлат гранти ҳамда тўлов-шартнома асосида таълим олмақдалар. Бахтга қарши тўлов-шартномалик асосда ўқишга кирган талабаларда ҳам ўзига хос турли хил фикр-мулоҳазаларнинг шаклланиши табиий. Бу талабаларнинг айримлари билим олиш учун чинакамга ҳаракат қилсалар, айримлари ўқишга "пул тўланган" қабилида муносабатда бўлади. Иккинчи тоифа талабаларда "мен пулни тўлаб қўйибманми, домларим баҳомни қўйиб беришлари керак", деган тушунча ҳам йўқ эмас. Демак, олий ўқув юртининг маънавий томонини таҳлил этганда ушбу чизгиларни эътибордан четда қолдирмаслик керак. Чунки пул тўлаб сазб билим билан дипломга эга бўлаётган мутахассислар эртага жамият учун муаммолар келтириб чиқарувчи омилга айланиши турган гап. Президентимиз И.Каримовнинг **"Дипломга эга бўлиш бу – ҳали том маънодаги зибли дегани эмас. Зибли одам ўз тафаккури, савияси, пок юраги, ички маданияти билан мутлако бўлакча инсон бўлади"**, дея қўниб айтган сўзларини ёдда тутиш зарур.

Шунингдек, кейинги пайтларда тест тизими асосида ўқишга кирган талабаларда тил ва грамматика нуктаи назаридан саводсизлик яқол намён бўлиб борапти. Маълумки, олий ўқув юртиларида рейтинг тизими жорий этилган бўлиб, талаба берилган саволларга ёзма тарзда жавоб бериши керак. Айрим талабаларнинг ёзма ишини ўқир экансиз, ундаги грамматик ҳамда стилистик хатоларни қўриб афсуслансиз, баён этилган фикр-мулоҳаза мазмунига аранг етиб борасиз. Ўзаро мулоқотда уларнинг

фикр изоҳлашида тартиб, кетма-кетлик йўқлиги кишини ҳайратга солади. Ана шунда яна юртбошимизнинг қуйидаги сўзларини эсламай илож йўқ: **"Ўз фикрини мутлако мустақил, она тилида раван, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваллабор, раҳбар курсисида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин"**.

ТАЛАБАЛАР ҲАМ – МЕНИНГ ҲАМ

Университетда Президентимиз И.Каримовнинг Иккинчи чакрик ўзбекистон Республикаси Олий Махлосининг тўққизинчи сессиясида "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш-

зилаётгани ижобий самара бермоқда.

Ётоқхоналарда истиқомат қилувчи талабаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳам шарт-шароит яратиб берилган. Улар ички ва ташқи спорт ҳамда дам олиш майдончасида спортнинг исталган тури билан шуғулланишлари мумкин. Даволашнинг барча имконига эга бўлган профилактория ҳам ёшлар иктиёрида. **Шунингдек, талабаларнинг спортга бўлган қизиқишларини ошириш, ёш спортчиларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида университетда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ташаббуси билан мини футбол бўйича "Ректор кубоги" ташкил этилган.** Шахмат-шашка, футбол, мини футбол бўйича мусобақалар доимий ўтказилиб келинмоқда. Шу билан бирга чет тилларини ўргатиш ва маънавият клублари фаолият кўрсатмоқда.

Университетнинг ҳамма йиғилиш ва анжуманлари одат бўлиб қолган ҳайъат таркибисиз фаол талабалар томонидан бошқарилиб борилади. Айтиб ўтиш жоизки, бу каби ўзини-ўзи бошқариш усули университет қошидаги академик-лицейда ҳам амалга оширилмоқда.

Ўзини-ўзи бошқарув жараёни кўп қирралидир. Масалан, университетнинг ҳар бир факултетига деканлар раҳбарлигида "Маънавият ва маърифат" кенгаши тузилган бўлиб, Кенгаш ишида "Камолот" ёшлар ижтимоий

ҳаракати аъзолари, иқтидорли талабалар, гуруҳ сардорлари, мураббийларнинг фаол иштироки таъминланади. Кенгашда факултетдаги ўқиш масалалари, муаммоларни таҳлил этиш, жумладан, интизом, ўзлаштириш, талабалар уйдаги аҳвол, кам таъминланган талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва рағбатлантириш, хусусий хонадонларда истиқомат қилувчи талабалар шароити, бўш вақтларини ўтказиш аҳволи, спорт мусобақаларида қатнашиш, заковат ўйинларини ўтказиш, уларнинг олимпиадаларда қатнашиши, турли хил тўғрак ишларини ташкил этиш, хорижий мамлакатларга бўладиган сафарларга танловлар ҳамда ота-оналар билан суҳбатлар ўтказиш, олий ўқув юртидан четлаштириш ва шу каби масалалар кўриб чиқилади. Талабалар уйда эса ҳар бир қават сардори ва навбатчиларни маош тўлайдиган тарзда хизматга жалб қилиш ва шу тарақча ички тартиб, мулклар сақланиши бўйича тўлиқ жавобгарлик, масъулият туйғуларини ишга сола билиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги бозор иқтисодиётида талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлиги барчага аён. Шу боис ТАТУда ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳомийлигида ётоқхоналарда истиқомат қилувчи талабаларга бепул тушлик ташкил этилган. Овқатнинг сифати касаба уюшмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши, талабалар уйи ҳокимлиги ва декан муовинлари томонидан назорат қилиб борилади.

Миллий маънавият ҳамда миллий қадрият тушунчалари инсонда болалигидан шаклланиши ва уларни бутунлай йўқотиш миллатни инқирозга олиб келиши аниқдир. Бирок ҳаётимизда учраб турган ўта ахлоқсизлик ҳолатлари (туңги қўнғилушлиқлар ўтказиладиган барлар, ресторан ва кафедаларда ноҳушлиқлар назарда тутилмоқда), виждонсизлик, ҳаёсизлик, ҳаром йўл билан пул топиш ҳисобига яшаш, оғизда бошқа амалда бошқа бўлиш каби иллатлар мунофиқлик оқибатида юз бермоқда. Айрим гапдорлар оғизда миллий маънавият, одоб-ахлоқ ҳақида тўхтовсиз гапирдилару амалда тескарисини қилишадди. Шунинг учун ҳар бир фуқаро, айниқса, зибли шахс маънавиятимиз ва қадриятларимизнинг шаклланиши учун амалда курашиш гоёсини эгаллаши долзарб вазифа бўлиб қолаётгани ҳаёт тақозосидир.

(Давоми бор.)

Н.МУМИНОВ,
ТАТУ "Маънавият ва маърифат"
ишлари бўйича 1-проректори.

FIKR

ТЎҒРИ ЙЎЛДАНМАЛИ ҚЎЛЛАНМА

2003 йил республикамиз почта алоқаси тарихида ажойиб йил бўлиб қолади. Чунки, мустақил давлатимизда мижозларнинг почта алоқаси хизматларининг барча турларидан фойдаланиши учун имконият яратилди. Йилнинг биринчи ярмида "Почтовые правила", иккинчи ярмида "Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари" каби меъёрий ҳужжатлар мажмуи ҳаётга татбиқ этилди. Бу қўлланмалар почта соҳасида кўп йиллик амалий таҳрибага эга бўлган муаллифлар жамоасининг машаққатли ва самарали меҳнатларининг натижасидир.

"Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари" рус ва ўзбек тилларида чоп этилиб, унда умумий қоидалар, хизмат турлари, мижозларнинг ҳуқуқ ва бурчлари каби масалаларни қамраб олган талабалар аниқ бандлар билан белгилаб берилган. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мижозларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда "Провайдер", "Миллий оператор", "Консигнация", "Франкирлаш машинаси" каби атамаларнинг қўлланмада жой олганлиги муаллифлар жамоасининг масалалар нечоғлик жиҳдий ёндашганидан дарак беради. Қўлланманинг бир китобда икки тилда нашр қилиниши почта алоқаси хизматини кўрсатишда мижозлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар ўртасида баҳс-мунозараларга йўл қўймасликка асос бўла олади. Аммо ушбу ютуқлар билан бирга қўлланма айрим жузъий камчиликлардан ҳам холи эмас. Жумладан, почта алоқаси операторлари, провайдерлари ва фойдаланувчиларнинг жавобгарлиги алоҳида бандида "Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш ҳақида"ги қонун эслатиб қўйилган ёмон бўлмас эди.

"Фуқаро" (қаранг, 39-бет, 108-банд) атамаси нотўғри ишлатилган, чунки почта ходимлари учун фақат "мижоз" тушунчаси мавжуд. Шунингдек "хатжилд", "патта" каби сўзларнинг мавжудлиги сабабли "конверт", "квитанция" атамаларини қўллаш ноўрин бўлса керак.

Ўқордида айтиб ўтилган айрим камчиликлардан қатъи назар муҳим ва зарур қўлланмага эга бўлдиқ. Иш жараёнида давр талабидан келиб чиққан ҳолда почта қоидаларига ўзгариштирилган, изоҳлар киритиш эҳтимолдан узоқ эмас. Шунинг ҳисобга олиб бир-икки varaқ изоҳ учун оқ саҳифалар илова қилинганда қўлланмадан узоқ йиллар фойдаланиш учун имконият яратилган булар эди.

Р.БОЛТАБОВ,
"Қорақалпоқ почтаси" АЖ
Ҳўжайли филиали ходими

DAVLAT ALOQA INSpekSIYASIDA

Ўтган 2003 йил давомида Самарқанд вилоятининг барча шаҳар ва туман почта алоқаси филиаллари ҳамда бўлимларида почта хизмати сифати ва самардорлигини ошириш мақсадида Самарқанд вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан чора-тадбирлар режаси тайёрланиб, ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганишлар жараёнида Нуробод филиалининг Сарикул, Жом алоқа бўлимларида мижозлар учун керакли бўлган эълонлар етарли эмаслиги маълум бўлди. Шунингдек, Пахтачи филиалидаги Хайит Элбеги, Хожа ва Кўзибобқар алоқа бўлимларида, Пастдаргом филиалига қаршли Зарбдор, Гўзалкент, Довул, Намозгоҳ, Торариқ алоқа бўлимларининг барчасида почта алоқаси хизмати бўйича белгиланган имтиёзлар рўйхати, кўрсатилаётган хизмат турлари ҳақидаги, Зарбдор, Намозгоҳ алоқа бўлимларида хизматларнинг асосий тарифлари, Довул, Намозгоҳ, Торариқ алоқа бўлимларида юқори ташкилот номи, манзили ва телефон рақами тўғрисидаги, айнан, мижозлар учун зарур бўлган маълумотлар тўлиқ эмаслиги аниқланди.

Пахтачи филиалининг Хожа ва Тойлоқ филиалининг Жумабозор алоқа бўлими биналарида кузги-кишки тайёргарлик охирига етказилмаганлиги оқибатида томидан чакка ўтиб, мижозлар ва почта хизматчилари учун ноқулай ҳолат юзга келган.

Вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан берилган кўрсатмаларда Нуробод, Кўшрабод, Пастдаргом филиалларида иш сифати пастиги учун масъул ходимлар ўз лавозимларига нолийқлиги қайд этилган. Пахтачи, Жомбой, Иштихон филиалларида пул маблағларини ўзлаштириш, Кўшрабод, Нуробод ва Пайшанба филиалларида эса статистик ҳисоботларни ҳаққоний тақдим этмаслик ҳолатлари юзасидан айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўриш юқлатилган эди. Шу каби қўрсатма, бир неча маротаба озғани оғохлантириш ва ёзма равишда берилган хатлар асосида Нуробод, Жомбой, Иштихон филиаллари раҳбарлари ўз вазифаларидан озод қилинди ҳамда янги раҳбарлар тайинланди. Лекин Кўшрабод, Пахтачи туманларида аҳвол ўзгармади, яъни йўл қўйилган хатларга нисбатан ҳеч қандай чоралар кўрилмади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "2003 йил 9 ойи мобайнида алоқа соҳасидаги корхоналарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва соҳада энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги буйруғида "Ўзбекистон почтаси" ДАКнинг почта алоқа корхоналарида пул ўтказмалари ва пенсия суммаларининг камомати ва ўғирланиш ҳолатларига йўл қўйиш давом этаётганлиги таъкидланган эди. Шу буйруқ асосида Давлат алоқа инспекцияси ва "Ўзбекистон почтаси" Давлат акция-

Нуробод филиалида мижозларга хизмат кўрсатиш залида юқори ташкилот раҳбарлари манзиллари ва телефон рақамлари ҳамда "Ишонч телефон"лари тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас. Ноябрь ойининг ўзида 9 маротаба туманлараро почта алмасуви ўтказилмаган, алоқа бўлимлари сурғуч эритиш асбоблари билан таъминланмаган, ўлчов тарозилари ишга яроқсиз ва иш жойларининг санитария аҳволи қониқарсиз бир ҳолатда. Шунингдек, Улус ва Оқсой алоқа бўлимлари ҳар 50та пенсия олувчисининг 32-33тасиники пенсионернинг ўзига тўланмасдан яқин қариндошларига берилган, назорат ишлари етарли даражада олиб борилмаган.

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА...

дорлик компаниясининг раҳбар ва мутахассис ходимлари 2003 йил декабр ойида "Самарқанд почтаси" акциядорлик жамияти ҳамда Жомбой, Жума, Пайариқ, Нуробод, Каттакўрғон, Пайшанба, Тойлоқ, Гулобод ва Самарқанд шаҳар филиалларида пенсия тўловларининг ташкил этилиши, пул маблағлари муҳфазаси ва почта хавфсизлигининг таъминланиши бўйича ўрганишлар олиб борди. Мазкур ўрганишлар жараёнида Жума почта алоқаси филиалида бош касса навбатчилари ҳамда бош ҳисобчи кунлик касса ҳужжатларини ва КО-4 касса китобини текширмаганини, алоқа бўлимларидан меъёридан ортиқча пуллар бош кассага МС-42 шакл маълумотномаси ёзилмасдан қирим қилинганлиги, алоқа бўлимлари кассаларида нақд пулларни қолдириш учун белгиланган меъёр филиал бошлиғи томонидан тасдиқланмаганлиги аниқланди. Бу каби ҳолатлар ўғирликлар келиб чиқишига замин яратмайдми, деб ким қафолат бера олади.

Пайариқ туман почта филиалида қатъий ҳисобдаги босма иш қоғозларини сақлаш ва ҳисобини юритиш ишларини бажариш вазифаси буйруқ билан масъул ходимга юқлатилмаган, 1, 3, 47-шакл қвнтация дафтарлари ҳисоби назорат қилинмаган, филиалда меъёрий ҳужжатларга мос келмайдиган 130-шакл кундалиқ дафтаридан фойдаланилган. Чолмайин ва Чопарашли алоқа бўлимларида тўлов ведомостларини хабарчиларга беришда 55-шакл рақамлари ёзилмаган.

"Самарқанд почтаси" АЖ раҳбарияти вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан берилган хат ва кўрсатмалардан ўзига тўри хулоса чиқариб олмапти. Беарволик оқибатида кўрсатмаларга ўз вақтида тўри жавоб тақдим этилгани йўқ. Декабр ойида ҳамкорликда ўтказилган ўрганиш натижалари юзасидан бугунги кунгача на режатадбирлар ишлаб чиқилган, на айбдор шахсларга нисбатан чоралар кўрилган. Агарда тўри хулоса чиқарилганида ҳар чоракда берилган статистик ҳисоботлар ҳаққонийлиги таъминланиб, доимий равишда кечиктирилишига йўл қўйилмаган бўлармиди!?

Бугунги кунда "Самарқанд почтаси" АЖ раҳбари алмастирилганлигига қарамайдми, Давлат алоқа инспекцияси кўрсатмаларига эътибор ҳали-ҳануз ўзгармасдан қолмоқда. Биз ишонамизки, камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўрилиб, ўрнатилган тартибда бизга маълумот тақдим этилади.

Яна бир йил якунланди, халқимиз ибораси билан айтганда "ғалвир сувдан кўтарилди". Энди, "Самарқанд почтаси" АЖда ҳам "сарлагини-саракка, пучагини-пучакка" ажратадиган вақт етиб келди. Акциядорлик жамиятининг янги раҳбари ва масъул ходимлари бундан тўри хулоса чиқаради, деган умиддамиз.

Абдуғафур ХОТАМОВ,
Самарқанд вилояти
ДАИ бошлиғи

P.S. "Xabar" газетаси тахририяти ушбу мақолада тилга олинган камчиликларнинг бартараф этилиши юзасидан масъул раҳбарлардан жавоб кутиб қолади.

JOYLARDAN XABARLAR

ҚУЛАЙЛИК

Фаргона вилоятининг тоғолди Сўх тумани аҳолисига телевидение ҳамда телефон алоқаси хизматини яхшилаш ҳамда уларга қулайлик яратиш мақсадида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, айни дамда мутахассислар томонидан Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлигида тузилган лойиҳа асосида телевизион тўлқин узаткичларни ўрнатиш ишлари тез суръатларда олиб борилляпти.

Туманнинг "Ленбург" қишлоқ марказига баландлиги 47 метр бўлган телеминара ўрнатилди. Сулаймон Довудов бошличилигидаги "Садоқат" алоқа-қурувчи хусусий фирмаси қабел ётқизиш ишларини ғайрат билан бажармоқда. Мақсад — яқин кунларда туман аҳолисига ранг-баранг телекўрсатувлар кўриш, сифатли телефон хизматидан фойдаланиш имконини яратишдир. Бундай хайрли ишлар амалга ошириляётганидан сўхликлар беҳад қувонишмоқда.

А.АНБАРЖОНОВ
Сўх тумани



ИНТЕРНЕТ ШИМОЛИЙ КОРЕЯДА



КХДРнинг дастлабки Интернет мижозлари фақат электрон почта хизматидан фойдаланиш билан чекланишларига тўғри келади. Ҳолтерманнинг айтишича, шимолий корейликларнинг озчилик қисмига брандмауэр ва филтрлар орқали каттик назорат қилинадиган (Куба ва Хитойдаги сингари) Интернет захираларидан фойдаланишига рухсат этилади.

Немис ишбилармони Ян Ҳолтерман Шимолий Корейани шу йилнинг феврал ойи ўрталарида, яъни унинг йўлбошчиси Ким Чен Ирнинг таваллуд куни муносабати билан Интернетга улашни мўлжалляпти. У бу ҳақида France Presse агентлигига маълум қилган.

"Биз Шимолий Корея ҳукумати Умумжаҳон Тармоғининг кириб келишига жуда эътиёткорона муносабатда бўлаётганини назарда тутган ҳолда иш олиб борамиз" — деган у ўз интервьюсида. Ҳозир бу ерда маҳаллий ҳамда халқаро сўзлашувлар учун мўлжалланган икки хил телефон линиялари мавжуд. Интернетга айнан халқаро телефон линиялари орқали боғланилади.

Жаҳон ҳамжамияти учун ахборот эшиклари доим ёпиқ бўлиб келган бу корей давлатини интернетлаштириш гоёси немис банкирида 2000 йилда пайдо бўлганди. Фақат 2003 йилнинг 17 январига келиб, КХДР ҳукумати билан олиб борилган узок музокаралардан сўнггина бир неча маҳаллий телефон операторлари билан коммуникация хизматлари кўрсатиш бўйича шартнома имзоланди. Шимолий Корея Интернетининг технология базасини яратиш мақсадида сармоя билан таъминловчи КСС Eurogra GmbH фирмаси ҳам шу мақсадларда ташкил этилган.

WINDOWSga ҚУЖУМ

Бутун дунё компьютер ихлосмандлари пайдо бўлган янги "Бэгл" вируси ҳақида оғохлантиришлар ола бошлашди. У электрон почта орқали олинувчи тест-хабар кўринишида пайдо бўлади. Windows тизимини емиришга қодир бу вирус ҳозирда дунёнинг 87 мамлакатига кузатилган. Вирус компьютер эгасининг электрон почтасидан фойдаланган ҳолда ўзини-ўзи янги манзиллар томон жўнатади.

Мутахассисларнинг айтишларича, айни пайтда ҳар 139 электрон хатнинг биттасида вирусли хабар

жойлашган. Ушбу хабар файли очилиши биланоқ



фойдаланувчининг компьютер "заҳарланади".

МИЖОЗЛАР ХУРСАНД

Сўх телекоммуникациялар боғламаси қошидаги Мулгон қишлоқ АТСда иш юритаётган "Сўзлашув пункти" эртаю кеч мижозлар билан гавжум. Негаки, Расулбек ҳамда Алхамжон Мамажонов каби ёш, меҳнатқаш алоқачилар мижозларга намунали хизмат кўрсатиш йўлида бор имкониятларини ишга солмоқдалар.


"Сўзлашув пункти" ходимларининг хизматидан биргина қишлоқ аҳли эмас, балки бу ерда йигитлик бурчини ўтаётган ҳарбий қисмдагилар ҳам хурсанд бўлишаётир.

ОАО СПКБ связи "PRENOS"

извещает о преобразовании в общество с ограниченной ответственностью. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу:

700000, г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. акад. Я.Гулямова, №2

ТЕЛЕДАСТУРЛАР — 26 январь — 1 февраль учун TV I, TV II, TV III, TV IV, OPT, RTP, НТВ



ДУШАНБА, 26

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
8.00-8.35 "Авборот"
8.35-17.55 ТВ-маркет
8.50 "Қушлар ҳақида ҳақиқат"
Хужжатли фильм, 1-қисм.
9.40 "Нурди манзиллар"
10.00, 12.00, 14.00, 18.00
ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Қамалак". Болалар учун кинодастур.
11.30 Ўзбекистон телевидио-компанияси хор жамоасининг концерти.
11.55, 12.25 ТВ-аним.
12.05 "Қурстуван-қурстуванга..."
12.30 "Тиббиёт олимлари"
12.45 "КиноТеп"
13.05, 14.50 ТВ-клип.
13.15 "Ошани. Телесернал.
14.10 "Иқтидор". Интеллектуал ўйини.

СЕШАНБА, 27

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
8.00-8.35 "Авборот"
8.35 ТВ-маркет
8.40 Газетлар шарҳи.
9.00 "Қушлар ҳақида ҳақиқат"
Хужжатли фильм, 2-қисм.
9.50 Мусикий таъриф.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00
ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Муқддор"
10.20 "Инан ва Марья". Бадий фильм.
11.45 "Ихбор"
12.05 2004 йил - Мехр ва мурват йили. "Химмат"
12.25, 12.45 ТВ-аним.
12.30 "Бизнинг ҳаёт"
12.50 Телевизион миниатюралар театри.
13.20 "Ошани". Телесернал.
13.50 ТВ-клип.
14.10 "Синат оламда"
14.35 "Яншик".
15.10 Экранда кинокомпания "Илар ва муқддор"
16.40 "Яншик ҳаёт"
17.00 "Ватанига хизмат қилган"
18.10 "Остонаси тиллодан"
18.35 "Қишлоқлик масканлари"
18.40 "Табриқлар"
19.00 "ТВ Бинго миллионер". Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00
"Авборот" (рус тилида)
19.30 "Авборот" (рус тилида)

ЧОРШАНБА, 28

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
8.00-8.35 "Авборот"
8.35 ТВ-маркет
8.40 Газетлар шарҳи.
9.00 "Қушлар ҳақида ҳақиқат"
Хужжатли фильм, 3-қисм.
9.50 "Барқарор ва Дилдор". Музыкаи.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00
ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Табриқлар"
10.25 "Қаюм ва қура". Бадий фильм.
11.40 "Соглом она - соғлом бола"
12.05 "Саргуштлар оғри". Телевизион миниатюралар театри.
12.35 "Остонаси тиллодан"
12.55 ТВ-аним.
13.00 "Портрета чизиқлар"
13.25 "Ошани". Телесернал.
13.50 ТВ-клип.
14.10 "Фари ва қар".
14.30 Кундузи санаси: "Шарни оғрилар". Бадий фильм.
16.10 "Яншик оғли".
16.40 "Қаюм гапарлар". "Болалар сайраси"
17.00 1. "Қизилари урғунлар". "Табла ҳақиқати"
18.10 "Табла ҳақиқати"
18.25 ТВ-клип.
18.35 "Ифтикор"
18.55 "Президент сабақлари".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00

ПАЙШАНБА, 29

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
8.00-8.35 "Авборот"
8.35 - 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газетлар шарҳи.
"Болалар сайраси":
9.00 1. "Қизилари урғунлар"
2. "Мақтаб ҳақиқати"
10.00, 12.00, 14.00, 18.00
ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Алимбо собақлари.
10.25 "Мамнати - оролар фиронлар". Бадий фильм.
11.30 Мусикий таъриф.
12.25, 12.55 ТВ-аним.
12.30 "Қўнигини Сизга армугом".
13.00 "Харалата ва барқар".
13.20 "Ошани". Телесернал.
13.50 ТВ-клип.

"Ешлар" телеканалы TV II
18.00 Қўрғулар дастур.
18.05 "Янги алоқа" почтаси.
18.10 "Янги алоқа" почтаси.
18.15 Тафсилот ёлқилари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 "Давр" - репортаж.
19.45 ТВ-аним.
19.50 Мусикий дахлар.
20.00 Суи - ҳаёт мавзиси.
20.05 Ешлар оғзи.
20.25 ТВ-авиокат.
20.30, 21.15, 22.35 Эълонлар.
20.35 "Гавалале". Телесернал.
21.00 XX век ўзбек шеърини.
21.25 Қишлоқдаги тенгшомим.
21.45 Олтин мерос.
22.00 "Давр" репортаж.
22.45 "Ешлар" телеканалда спорт дастур: Интерфутбол.
23.35-23.40 Хайри тун.

"Тошкен" телеканалы TV III
17.10 Қўрғулар тартиби.
17.20 ТВва серия: "Луиза Фернанда".
17.45 "Табриқларимиз-қутлайимиз".
17.55 "Хорж хабарлари".
18.00, 20.40 "Экспресс" телегазетаси.
18.10 "Халқ саломатлиги йўнали".
18.30, 20.00, 20.35, 22.20

"Ешлар" телеканалы TV II
17.10 Қўрғулар тартиби.
17.20 ТВва серия: "Луиза Фернанда".
17.45 "Табриқларимиз-қутлайимиз".
17.55 "Хорж хабарлари".
18.00, 20.40 "Экспресс" телегазетаси.
18.10 "Халқ саломатлиги йўнали".
18.30, 20.00, 20.35, 22.20

15.35 ТВ-аним.
15.40 Интерфутбол.
17.20 Қўрғулар дастур.
17.30 "Авборот" студияси: Дунё ва болалар.
17.45 "Музыкалар".
18.00 Сиз сепган "Севинг" сурати.
18.15 "Музыка". Ешлар ва китоб.
18.30 Қўн гул уста.
18.50 Олтин мерос.
19.00 Давр.
19.35 "Давр" - интервью.
19.50 ТВ-аним.
19.55 Мусикий дахлар.
20.00 "Давр" репортаж.
20.30 ТВ-авиокат.
20.35, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.40 "Гавалале". Телесернал.
21.25 Ешлар оғзи.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-аним.
22.45 "Оғулардан эрдаган оғил". Бадий фильм.
22.50-0.30 Хайри тун.

"Тошкен" телеканалы TV III
17.10 Қўрғулар тартиби.
17.20 ТВва серия: "Луиза Фернанда".
17.45 "Табриқларимиз-қутлайимиз".
17.55 "Хорж хабарлари".
18.00, 20.40 "Экспресс" телегазетаси.
18.10 "Билми" телекуби.
18.30, 20.20, 21.10, 22.10
"Пойтахт" ахборот дастур.
18.50 ТВ-аним.
15.40 Интерфутбол.
17.20 Қўрғулар дастур.
17.30 "Авборот" студияси: Дунё ва болалар.
17.45 "Музыкалар".
18.00 Сиз сепган "Севинг" сурати.
18.15 "Музыка". Ешлар ва китоб.
18.30 Қўн гул уста.
18.50 Олтин мерос.
19.00 Давр.
19.35 "Давр" - интервью.
19.50 ТВ-аним.
19.55 Мусикий дахлар.
20.00 "Давр" репортаж.
20.30 ТВ-авиокат.
20.35, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.40 "Гавалале". Телесернал.
21.25 Ешлар оғзи.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-аним.
22.45 "Оғулардан эрдаган оғил". Бадий фильм.
22.50-0.30 Хайри тун.

"Тошкен" телеканалы TV III
17.10 Қўрғулар тартиби.
17.20 ТВва серия: "Луиза Фернанда".
17.45 "Табриқларимиз-қутлайимиз".
17.55 "Хорж хабарлари".
18.00, 20.40 "Экспресс" телегазетаси.
18.10 "Билми" телекуби.
18.30, 20.20, 21.10, 22.10
"Пойтахт" ахборот дастур.
18.50 ТВ-аним.
15.40 Интерфутбол.
17.20 Қўрғулар дастур.
17.30 "Авборот" студияси: Дунё ва болалар.
17.45 "Музыкалар".
18.00 Сиз сепган "Севинг" сурати.
18.15 "Музыка". Ешлар ва китоб.
18.30 Қўн гул уста.
18.50 Олтин мерос.
19.00 Давр.
19.35 "Давр" - интервью.
19.50 ТВ-аним.
19.55 Мусикий дахлар.
20.00 "Давр" репортаж.
20.30 ТВ-авиокат.
20.35, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.40 "Гавалале". Телесернал.
21.25 Ешлар оғзи.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-аним.
22.45 "Оғулардан эрдаган оғил". Бадий фильм.
22.50-0.30 Хайри тун.

"Ешлар" телеканалы TV II
18.00 Қўрғулар дастур.
18.05 "Янги алоқа" почтаси.
18.10 "Янги алоқа" почтаси.
18.15 Тафсилот ёлқилари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 "Давр" - репортаж.
19.45 ТВ-аним.
19.50 Мусикий дахлар.
20.00 Суи - ҳаёт мавзиси.
20.05 Ешлар оғзи.
20.25 ТВ-авиокат.
20.30, 21.15, 22.35 Эълонлар.
20.35 "Гавалале". Телесернал.
21.00 XX век ўзбек шеърини.
21.25 Қишлоқдаги тенгшомим.
21.45 Олтин мерос.
22.00 "Давр" репортаж.
22.45 "Ешлар" телеканалда спорт дастур: Интерфутбол.
23.35-23.40 Хайри тун.

"Тошкен" телеканалы TV III
17.10 Қўрғулар тартиби.
17.20 ТВва серия: "Луиза Фернанда".
17.45 "Табриқларимиз-қутлайимиз".
17.55 "Хорж хабарлари".
18.00, 20.40 "Экспресс" телегазетаси.
18.10 "Халқ саломатлиги йўнали".
18.30, 20.00, 20.35, 22.20

"Ешлар" телеканалы TV II
18.00 Қўрғулар дастур.
18.05 "Янги алоқа" почтаси.
18.10 "Янги алоқа" почтаси.
18.15 Тафсилот ёлқилари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 "Давр" - репортаж.
19.45 ТВ-аним.
19.50 Мусикий дахлар.
20.00 Суи - ҳаёт мавзиси.
20.05 Ешлар оғзи.
20.25 ТВ-авиокат.
20.30, 21.15, 22.35 Эълонлар.
20.35 "Гавалале". Телесернал.
21.00 XX век ўзбек шеърини.
21.25 Қишлоқдаги тенгшомим.
21.45 Олтин мерос.
22.00 "Давр" репортаж.
22.45 "Ешлар" телеканалда спорт дастур: Интерфутбол.
23.35-23.40 Хайри тун.

"Тошкен" телеканалы TV III
17.10 Қўрғулар тартиби.
17.20 ТВва серия: "Луиза Фернанда".
17.45 "Табриқларимиз-қутлайимиз".
17.55 "Хорж хабарлари".
18.00, 20.40 "Экспресс" телегазетаси.
18.10 "Халқ саломатлиги йўнали".
18.30, 20.00, 21.15, 22.15
"Пойтахт" ахборот дастур.
18.50 ТВ-аним.
15.40 Интерфутбол.
17.20 Қўрғулар дастур.
17.30 "Авборот" студияси: Дунё ва болалар.
17.45 "Музыкалар".
18.00 Сиз сепган "Севинг" сурати.
18.15 "Музыка". Ешлар ва китоб.
18.30 Қўн гул уста.
18.50 Олтин мерос.
19.00 Давр.
19.35 "Давр" - интервью.
19.50 ТВ-аним.
19.55 Мусикий дахлар.
20.00 Кутқарар "О50".
20.15 Ешлар оғзи.

"Ешлар" телеканалы TV II
18.00 Қўрғулар дастур.
18.05 "Янги алоқа" почтаси.
18.10 "Янги алоқа" почтаси.
18.15 Тафсилот ёлқилари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 "Давр" - репортаж.
19.45 ТВ-аним.
19.50 Мусикий дахлар.
20.00 Суи - ҳаёт мавзиси.
20.05 Ешлар оғзи.
20.25 ТВ-авиокат.
20.30, 21.15, 22.35 Эълонлар.
20.35 "Гавалале". Телесернал.
21.00 XX век ўзбек шеърини.
21.25 Қишлоқдаги тенгшомим.
21.45 Олтин мерос.
22.00 "Давр" репортаж.
22.45 "Ешлар" телеканалда спорт дастур: Интерфутбол.
23.35-23.40 Хайри тун.

"Тошкен" телеканалы TV III
17.10 Қўрғулар тартиби.
17.20 ТВва серия: "Луиза Фернанда".
17.45 "Табриқларимиз-қутлайимиз".
17.55 "Хорж хабарлари".
18.00, 20.40 "Экспресс" телегазетаси.
18.10 "Халқ саломатлиги йўнали".
18.30, 20.00, 21.15, 22.10
"Пойтахт" ахборот дастур.
18.50 ТВ-аним.
15.40 Интерфутбол.
17.20 Қўрғулар дастур.
17.30 "Авборот" студияси: Дунё ва болалар.
17.45 "Музыкалар".
18.00 Сиз сепган "Севинг" сурати.
18.15 "Музыка". Ешлар ва китоб.
18.30 Қўн гул уста.
18.50 Олтин мерос.
19.00 Давр.
19.35 "Давр" - интервью.
19.50 ТВ-аним.
19.55 Мусикий дахлар.
20.00 Кутқарар "О50".
20.15 Ешлар оғзи.

"Проф-РИНГ"
23.00 "Спорт ТВ" да кино: "Самодати пойғалар". Бадий фильм.
00.35 "Тунинги оғула бўлиси"

OPT
6.00 Телеканал "Добро утро"
9.00 Навости
9.05 Комедия "Ландиш серебряный"
10.50 Документални детектив. "Тени Шарповского леза".
11.40 "Ирастие вест Коллобок"
12.00 Нюности
12.20 Боевик "Жанна Д'Арк"
15.00 Навости (с субтитрами)
15.25 Сернал "Берет метьте"
16.20 "Угадай мелодию"
16.50 "Большая стирка"
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.55 "Осталась одна Таня". Документални фильм.
19.00 "Земля любви, земля надежда". Сернал
20.00 Жан мери.
21.00 "Следающий" («Next-3»)
21.30 "Следающий" («Next-3»)
22.30 Криминальная Россия. "Комм в семейном обществани"
22.40 "Время"
23.00 "ТелеКАНАЛИ. "SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
21.30 "Хабарлар"
21.45 "Ўзбекистон ифтихори. F. Назаров".
22.00 Жаҳон спорти.

SPORT телеканалы TV IV
Томошабинлар адиқлати. Профилактика муносабати билан 26 январ куни.
"SPORT" телеканалы ўз қўрғуларини соат16.55 дан бошлайди.
16.55 Қўрғулар тартиби.
17.00 "Хабарлар"
17.15 "Шовқошлар"
17.35 "Болалар спорти".
17.50 "Спорт клуб"
18.00 Волебол. Ўзбекистон чемпионати.
18.30 "Баҳадур бўлини". БИРИНЧИ КАНАЛ.
19.00 "Ишон ва мурабат замани". Сернал.
20.00 "Мени кутган"
21.00 "Время"
21.30 "ТелеКАНАЛИ. "SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
21.30 "Хабарлар"
21.45 "Ўзбекистон ифтихори. F. Назаров".
22.00 Жаҳон спорти.

18.50 "Табриқларимиз-қутлайимиз".
19.20 ТВва серия: "Ҳақиқат чегараси".
20.20 "Авто-news".
20.55 "Хусусийрошни: қадим-бақадим".
21.25 "Муруват".
21.40 ТВва серия: "Бибилска пуя".
22.40 Кинопох. "Сабрина".
00.40-00.45 Хайри тун, шаҳрим!

18.50 "Табриқларимиз-қутлайимиз".
19.20 ТВва серия: "Ҳақиқат чегараси".
20.20 "Авто-news".
20.55 "Хусусийрошни: қадим-бақадим".
21.25 "Муруват".
21.40 ТВва серия: "Бибилска пуя".
22.40 Кинопох. "Сабрина".
00.40-00.45 Хайри тун, шаҳрим!

SPORT телеканалы TV IV
8.00 "Барам бўлини". Тонги дам олин дастур.
9.00 "Хабарлар"
9.15 "Болалар спорти".
